



LEGAL MECHANISM OF LEGAL RELATIONS IN THE FIELD OF FOREST FUND LAND USE

Bakhodir Boymokov

Chief Legal Counsel of the Legal Department for
Contractual Legal Relations and Litigation of the State Assets
Management Agency of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: forest fund, land resources, land use rights, forestry, land law, state land control, land lease, forest, land legislation, use of natural resources, environmental safety, purposeful use of land, authority of state bodies, land protection, effective use of land, return and restoration of land, measures of responsibility, regulation of land relations.

Received: 01.07.25

Accepted: 02.07.25

Published: 03.07.25

Abstract: This article presents proposals and considerations on the development of new legislative documents based on the analysis of new definitions, improvement of regulatory legal acts related to the use of forest fund lands. It also provides an analytical statement of the most important issues that serve the further development of the theory of land law. The legal regulation of the legal protection and use of forest fund lands, the role and significance of forest fund lands in the natural resources system, the legal relations related to the origin and operation of the right to protect and use forest fund lands, the content, essence and problems of their application in practice of the norms aimed at their regulation, the management system in the field of use and protection of forest fund lands, the powers of management bodies, as well as the problems of bringing to legal liability for violation of the legislation on the use of forest fund lands are studied from the point of view of environmental law.

ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

Баходир Боймоқов

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги бош юрисконсулти
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ўрмон фонди, ер ресурслари, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ўрмон хўжалиги, ер ҳуқуқи, давлат ер назорати, ер участкасини ижарага бериш, ўрмон, ер қонунчилиги, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик хавфсизлик, ердан мақсадли фойдаланиш, давлат органлари ваколати, ерни муҳофаза қилиш, ердан самарали фойдаланиш, ерни қайтариш ва тиклаш, жавобгарлик чоралари, ер муносабатларини тартибга солиш.

Аннотация: Ушбу мақолада ўрмон фонди ерлари фойдаланиш билан боғлиқ янги таърифлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва уларни таҳлил этиш асосида янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, ер ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим масалаларни таҳлилий баён этади. Ўрмон фонди ерларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиниши, ўрмон фонди ерларининг табиий ресурслар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти, тадқиқот доирасида ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқининг келиб чиқиши, амал қилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар, уларни тартибга солишга қаратилган меъёрлар мазмуни, моҳияти ва амалиётда қўллаш муаммолари, ўрмон фони ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув тизими, бошқарув органлари ваколатлари, шунингдек, Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиш муаммолари экологик ҳуқуқ нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

ПРАВОВОЙ МЕХАНИЗМ ПРАВООТНОШЕНИЙ В ОБЛАСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ ЛЕСНОГО ФОНДА

Баходир Боймоков

Главный юрисконсульт Агентства по управлению
государственными активами Республики Узбекистан
Тошкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: лесной фонд, земельные ресурсы, права землепользования, лесное хозяйство, земельное право, государственный земельный контроль, аренда земли, лес, земельное законодательство, природопользование, экологическая безопасность, целевое использование земель, полномочия государственных органов, охрана земель, эффективное использование земель, возврат и восстановление земель, меры

Аннотация: В статье излагаются предложения и соображения по разработке новых законодательных документов на основе анализа новых определений, совершенствования нормативных правовых актов, связанных с использованием земель лесного фонда. Также дается аналитическое изложение важнейших вопросов, служащих дальнейшему развитию теории земельного права. С точки зрения экологического права исследуются правовое

ответственности,
земельных отношений.

регулирование
регулирование правовой охраны и использования земель лесного фонда, роль и значение земель лесного фонда в системе природных ресурсов, правоотношения, связанные с возникновением и функционированием права охраны и использования земель лесного фонда, содержание, сущность и проблемы применения на практике норм, направленных на их регулирование, система управления в сфере использования и охраны земель лесного фонда, полномочия органов управления, а также проблемы привлечения к юридической ответственности за нарушение законодательства об использовании земель лесного фонда.

Учинчи минг йилликнинг бошланиши икки муҳим тенденция билан баҳоланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммоларга дуч келди (иқлим ўзгариши, ўрмонлар таназзули, озон қатлами бузилиши, чучук ичимлик сувининг танқислиги ва ифлосланиши, ерлар ва биохилма хилликнинг йўқ қилиниши, ортиқча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва уларни утилизациялаш муаммоси). Иккинчидан, дунё жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Шунинг учун кечаги мезонлар билан ҳозирги вазиятни объектив баҳолашнинг иложи йўқ.

Ўрмонзорлар ер шари юзасида кенг тарқалган географик манзаралардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида қуруқлик ернинг 29 % га яқини ёки 3700 миллион гектардан ортиқроғи ўрмонзорлар билан банд, шундан тахминан учдан бир қисми хўжаликда ўзлаштирилган, қолганлари эса ҳосил бермайдиган ёки бериш қийин бўлган ерларда жойлашган, яъни ўзлаштирилмаган. Ўрмонзорларнинг 80 % га яқини Лотин Америкаси, Россия, Африка ва Шимолий Америкалар улушига тўғри келади, қолган қисми эса Осиё, Европа, Австралия ва Океания улушини ташкил қилади[1].

Мамлакатимизнинг ўрмон хўжалиги ўсимлик дунёси, жумладан, ноёб манзарали ва меваги дарахтлар ҳамда доривор ўсимликларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ўрмон фондининг 300 дан ортиқ ўсимлик ва 180 дан ортиқ ҳайвон турлари “Қизил китоб”га киритилган[2]. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ўрмон фонди ер майдони ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бугунги кунда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, соҳанинг моддий-техника базаси жисмонан ва маънан эскиргани ва етарли даражада модернизация қилинмаётгани, халқаро молия институтлари

ва донор ташкилотларнинг грантларини соҳага жалб қилиш ишларининг суствлиги, ушбу тармокда юкори малакали мутахассислар етишмаслиги, ўрмон қонунчилигидаги айрим меъёрларнинг амалий аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизми йўқлиги соҳа фаолиятини ривожлантириш, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар туғдирмокда.

Ўрмонлар –тоза сув сақловчи, тупроқ ва ҳаводаги намликни мутадиллашатириб турувчи, ёғоч, иккиламчи маҳсулотлар, мевалар, доривор ва озук а ўсимликлар берувчи манбадир. Ўрмонзорлар ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва уларни кўпайтиришда, иқлим ўзгаришларни мутадиллаштиришда, тоғларда жарликларни пайдо бўлиши хавфини олдини олишда, сув танқислиги муаммосини ечишда, селни мудхиш оқибатларини бартараф қилишда, тупроқ эрозияга қарши курашишда, чўл худудларида кумларни кўчишини тўхтатишда, шамол эрозиясини олдини олишда, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини (шўрланиш, чўлланишга ва ҳ.) яхшилашда, шунингдек яйловлар маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, экологик вазиятни яхшилаш ва унинг салбий оқибатларини олдини олиш тугатишда алоҳида аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда ўрмон (ўсимлик) қонунчилиги ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалигини ривожлантиришни молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Бу албатта ҳозирги замонавий ўрмон қонунчилиги шаклланиши ундаги биологик хилма хилликни ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солган.

Ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида фалсафа, иқтисодий ва ҳуқуқий таълимотлар, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда субъективлик ва объективликнинг ўзаро бирлиги, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда экологик факторни ҳисобга олиш каби қоидалар ҳисобланади. Ушбу мақолани ёзишда муаллиф томонидан қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий таҳлил, амалиёт материалларини умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Ушбу мақола доирасидаги тадқиқот билан боғлиқ муаммолар умумий асосларда илгари ҳам айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан у ёки бу даражада ўрганилган. Бу борада

амалга оширилган изланишларни қуйидаги учта йўналишда қараш мумкин. Биринчисига ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш ва ер ресурслардан фойдаланишнинг ҳукукий муаммоларини ўрганишга қаратилган махсус тадқиқотларни киритиш мумкин. Бу тоифа ишларга Ф.С.Намазов[3], Ю.О.Жўраев[4], иккинчи йўналишга ер ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни бошқариш фаолияти, ер назоратнинг илмий-назарий масалаларига бағишланган илмий изланишлар киради яъни М. М. Бринчук, Б. В. Ерофеев каби олимларнинг асарлари эътиборга лойиқ. Учинчи йўналишга атроф табиий муҳитни асраш, ўрмон фонди ерлари ва экологиянинг фалсафий муаммолари каби масалаларни ўрганишга бағишланган. Бу борада, энг аввало, А. Ниғматов, Э. Ҳошимова каби олимларнинг изланишлари диққатга сазовордир. Тадқиқотимизга бевосита алоқадор бўлган ушбу изланишларда ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоялар, фикрлар, тадқиқот усуллари, асосланган концептуал қарашлар бизга мақоланинг мақсад ва вазифаларини, тадқиқот объекти ва предмети аниқлаб олишга, чиқарилган хулосаларнинг қанчалик тўғрилигини аниқлашга ёрдам берди.

Мустақил Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижасида ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик уйғунлашиб, жамоатчиликнинг ердан фойдаланиш ҳукуқи билан боғлиқ масалаларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Улар аҳоли орасида ерга нисбатан мулкчиликни шакллантириш ҳамда ерни муҳофаза қилиш борасида давлат муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Ер кодекси, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонун, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг чиқарилиши республикамиз ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Биз шундай тасаввур қиламизки, ўрмон фонди ерлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади, биринчидан, ўрмон фонди ерларига оид қонун талаблари асосида ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини тартибга солиш; иккинчидан, ўрнатилган ўрмон фонди ерларига оид ҳукукий тартиботни, ўрмон фонди участкаларидан фойдаланувчи субъектлар бўлиши юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларидан муҳофаза қилиш;

учинчидан, ўрмон фонди ерлари фойдаланаётган субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш.

Таъкидлаш керакки, ўрмон фонди ерлари алоҳида экологик аҳамиятга эга бўлиб, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлардир. Ўрмон фонди ерларининг умумий ер майдони 12020,8 минг гектарни ёки жами ер майдонининг 26,78 фоизини ташкил қилади. Қорақалпоғистон Республикасида – 55,03, Навоийда – 24,15, Тошкентда – 4,9, Бухорода – 4,83, Қашқадарёда – 3,43, Сурхондарёда – 2,70, Жиззахда – 2,41, Хоразмда – 0,74; Наманганда – 1,06, Самарқандда – 0,74, Фарғонада – 0,13, Сирдарёда – 0,09, Андижонда – 0,07 (% ҳисобида, 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра) [5].

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи (қонунчилиги) тизимини таҳлили шуни кўрсатадики, яъни:

2020 йил 1 январидан ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларини ижарага бериш тизими йўлга қўйилди;

2020 йилнинг январь — сентябрь ойларида ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган 29 минг гектардан ортиқ ерлари 1 561 та жисмоний ва юридик шахсларга 275 млрд сўм ва 7 млн доллардан ортиқ инвестиция киритиш, 4300 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 49 йилгача муддатга ижарага берилган;

2022 йил 1 январдан бошлаб ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг буюртмасига асосан электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан янги ўрмонзорлар барпо этиш, иш ўринларини ташкил этиш, ўрмонлардан қўшимча фойдаланишни рағбатлантириш, илмий тадқиқот фаолиятини кучайтириш мақсадида ўрмон фонди ерлари фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги шакллари жорий этилмоқда.

Ўзбекистон 2030 йилга келиб ўрмон фонди ерлари майдонини 14 миллион гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерларни 6 миллион гектарга, уруғ тайёрлаш ҳажмини йилига 840 тоннага, асалари оилалари сонини 300 мингтага, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини йилига 32 минг тоннага, доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини йилига 11,6[6] минг тоннага етказишни мақсад қилиб олган.

Бу борада шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳуқуқий адабиётларда фақат ўрмон тушунчаси ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаларигагина эътибор қаратилган. Ўрмон тушунчасига дов-дарахтлар билан қопланган ерлар билан бир қаторда, дов-дарахтлар билан қопланмаган, аммо шу мақсадларга ажратилган ерларни ҳам киритамиз.

Ўрмон атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, инсон яшаш шароитини яхшилаш, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларни сақлаш, атмосфера ҳавосини тозалашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрмон фонди участкалари ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, уларнинг муайян чегараси, майдони, жойлашган манзили, ҳуқуқий режими қайд етилган ҳамда чизма-картографик материалларда кўрсатилган бўлади. Давлат ўрмон фонди участкаларининг чегаралари бошқа ер фонди тоифалари ҳисобига кўпайиб ёки камайиб туриш мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ўрмон тушунчасига ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин эмас. Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ муносабатлар ўрмон қонунчилиги тартибга соладиган муносабатлар доирасига кирмасдан, балки бошқа ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солинади. Худди шунингдек ўрмон ерлари остида жойлашган қазилма бойликлар ҳам ўрмон қонунчилиги билан тартибга солинмасдан, кон қонунчилиги тартибга соладиган муносабатлар доирасига киради. Шу сабабдан ўрмондаги ер ости бойликларини ҳам ўрмон тушунчасига киритиш мумкин эмас.

Ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалан, ЕК, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири); “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун; “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун.

Демак, ўрмон тўғрисидаги Ўзбекистон қонунчилигига кўра, юридик маънода ўрмон деганда, ўрмон фонди таркибига киритилган, давлат рўйхатига олинган, халқ хўжалиги, табиатни сақлаш (экологик) ва бошқа мақсадларда фойдаланиш тартиби белгиланган дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлардан таркиб топган табиат объекти мажмуини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўрмонлар тушунчаси белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, ўрмонлар махсус ажратилган ерларда, яъни ўрмон фонди ерларида жойлашган бўлади;

иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрида бўла туриб, ўрмон сифатида тан олинган бўлиши;

учинчидан, давлатнинг ҳисоб ҳужжатларида ўрмон деб қайд этилган бўлиши лозим.

Ўрмон фонди ерлари - ўрмон билан қопланган ерлар, шунингдек ўрмон билан қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари ҳисобланади.

Ўрмон фонди ерларини шартли равишда икки таркибга ажратиш мумкин: 1) ўрмон билан қопланган 2) ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги еhtiёжлари учун берилган ерлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (76-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг (Янги таҳрири) 8-моддаси, ўрмон фонди ва унинг ерларидан фойдаланиш режимига тааллуқли муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатдир[7]. Бу қонун ҳужжатларида ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати белгилаб берилган. Кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларга биноан ўрмон фонди тушунчаси ва ўрмон фонди ерлари тушунчаси бир-бирига мутаносибдир.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг асосий вазифаси биологик хилма-хилликни таъминлаш ва ёғоч етиштиришдан иборат. Бу ерда, ер, бош ишлаб чиқариш воситаси сифатида бўлади. Шунинг учун ўрмон фонди ерларининг катта қисмини ўрмонлар билан қопланган ерлар ташкил этади. Шу билан бир қаторда ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланмаган, лекин ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳам киради.

Бундан ташқари, ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланмаган ва дарахт ўстиришга ҳам мўлжалланмаган, лекин ўрмон хўжалиги учун зарур бўлган ерлар ҳам киради. Буларга ўрмондаги йўллар, ариқ-зовурлар, ботқоқликлар, қумликлар киради. Ҳаракатдаги ўрмон қонунчилигига биноан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ўрмонлар ягона давлат ўрмон фондини ташкил этади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиш учун белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари таркибига ўтказилиши мумкин.

Давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериши мумкин.

Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин.

Ўрмон фонди ерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эғалик қилиш, фойдаланиш учун, шу жумладан ижарага берилиши мумкин. Масалан “Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг 8, 15-моддалари; ЕК 6-моддасининг олтинчи хатбоши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 993-сонли “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори[8].

Ўрмон фонди ерлари таркибига ер бериш тартибига келганда бу фақат қонунда белгиланган тартибда берилади[9]. Шундай қилиб, бунда фақат ердан фойдаланишнинг асосий белгиланган мақсади ўзгаради, яъни бир тоифадаги ер участкалари иккинчисига ўтказилади.

Ўрмон фонди ерларидаги қишлоқ хўжалиги мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалиги учун ишлатилмаётган, лекин қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамият касб этадиган ерлар бўлади. Булар масалан, пичанзорлар ва ўтлоқлардир. Ўрмон хўжалиги органлари, бу ер участкаларини вақтинчалик фойдаланиш учун ёки ижарага қишлоқ хўжалиги корхоналарига беришга ҳақлидир. Бунда қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ишлатилаётган ўрмон фонди ерлари ўрмон хўжалигига зарар етказмаслиги керак. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти шундай амалга оширилиши лозимки, улар ўрмонлар ёнғин хавфсизлиги ва санитария ҳолатларига риоя қилишлари шарт.

Давлат ўрмон фонди участкалари - давлат ўрмон фонди участкалари давлат ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, уларнинг муайян чегараси, майдони, жойлашган манзили, ҳуқуқий режими қайд этилган ҳамда чизма-картографик материалларда кўрсатилган бўлади.

Ўрмонлар билан қопланган барча майдонлар ўрмон фондига киритилар экан, қонунчилик баъзи бир истисноларни ҳам кўрсатиб ўтади. Масалан, дов-дарахтлар билан қопланган қуйидаги майдонлар ўрмон тушунчаси ва унинг мақсадига мос келмаслиги сабабли ўрмон фондига киритилмайди. Булар 1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги ихота дарахтлар ва туп-туп дарахтлар, экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек, бошқача дарахтзорлар ва бутазорлар; 2) темир йўл, автомобил йўллари, каналлар ва бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги ихота дарахтзорлари; 3) Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги дарахтлар ва туп-туп дарахтлар, шунингдек, кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар; 4) томорқалардаги ва боғ участкаларидаги дарахтлар ҳамда туп-туп дарахтлар.

Барча ўрмонлар давлат ўрмон фондини ташкил этади.

Давлат ўрмон фонди: давлат аҳамиятига молик ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари тасарруфидаги ўрмонлардан; бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлардан иборатдир.

Ана шу ўрмон фонди ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, барча дарахт-бутазорлар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи объекти бўлмасдан, балки фақат ўрмон фонди таркибига киритилган, дарахт-бутазорлар билан

қопланган ва дарахт-бутазорлар билан қопланмаган бўлса-да, ўрмон фондига ажратилган ерлар ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

Ўрмон фонди ерларини бошқа ер фонди ҳисобига кенгайтириш мумкинлиги белгиланган. Бунда қандай мақсадлар учун ўрмон фонди ерлари таркибига ер участкалари бериш мумкинлиги кўрсатилган. Бу тадбир ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари теварагида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор майдонлар яратиш, шунингдек, кам ўрмонли ва ўрмонсиз туманлар атрофини ўрмонлаштириш, дарё ва сув ҳавзаларининг қирғоқларини дарахтлаштириш, тупроқ ерозиясини бартараф этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва бошқаларга қаратилади.

Қоидага кўра, ўрмон фонди ерлари таркибига биринчи навбатда кам ҳосилли, ташландиқ ерлар, фойдаланилмаётган ерлар, захира ерлар, бутазор ерлар берилади. Ўрмон фонди ерлари таркибига ер бериш таркибига келганда бу фақат қонунда белгиланган тартибда берилади. Шундай қилиб, бунда фақат ердан фойдаланишнинг асосий белгиланган мақсади ўзгаради, яъни бир тоифадаги ер участкалари иккинчисига айлантирилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби. Давлат ўрмон фонди участкалари давлат ўрмон кадастрида кўрсатилган муайян чегарага, майдонга, жойлашган ерига, ҳуқуқий режимга ва бошқа хусусиятларга эга бўлади.

Бундай участкаларни ижарага беришда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Давлат ўрмон хўжалиги), тегишли ваколат берилган ҳолларда - Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги унинг ҳудудий бошқармалари ижарага берувчи ҳисобланади.

Участка доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилоти ўрмондан доимий фойдаланувчи ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида ижарага олувчи бўлиши мумкин.

Ўрмон фонди участкалари қуйидаги шаклларда ижарага берилади: ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида янгидан ўрмон барпо этиш, шунингдек, ушбу ерлардан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация, эстетик ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш, овчилик ва балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш, доривор ўсимликлар ва кўчатлар етиштиришни йўлга қўйишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун (50 йилгача муддатга); ўрмон фонди ерларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун (давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида) 3 дан 49 йилгача муддатга.

Ўрмон фонди участкалари тасдиқланган схема бўйича ижарага тақдим этилади. Ижарага берилаётган ўрмон фонди участкаси чегаралари ижара шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган далолатнома ва харитада кўрсатилади.

Ўрмон фонди ерлари соҳасида давлат бошқаруви. Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ўрмон фонди ер майдони ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бугунги кунда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,3 фоиздан ошмас эди[10].

Ўрмон фонди ерлари соҳасида давлат бошқаруви ваколатли давлат органлари томонидан ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил қилишда намоён бўлиб, жамиятда ижтимоий бошқарувнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ўрмон фонди ерлари соҳасида давлат бошқаруви деб ваколатли давлат органларининг ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тушунилади.

Мамлакатимизда ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига биноан қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар; 2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари; 3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; 4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар; 5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар; 6) ўрмон фонди ерлари; 7) сув фонди ерлари; ва 8) заҳира ерлар.

Санаб кўрсатилган ер тоифалари ягона давлат ер фондиди ташкил этиб, улар бир тоифадан иккинчисига ўтиб туриши мумкин, яъни улар белгиланган тоифада қотиб қолмайдилар. Масалан, ўрмон фонди ерларнинг баъзи қисмлари аҳоли пунктлари ерлари тоифасига киритилиши, ёки заҳира ерлари фондидан ўрмон фонди ерлари тоифаси ҳосил қилиш мумкин.

Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби - ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларига ажратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Yer huquqi.–Toshkent: TDYU. 2019. –205.
2. Ўзбекистонда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.– Т.:, 2019. –320 б
3. Намазов Ф.С. Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи. -Т.: НПО «Восток», -2000.-Б. 16
4. Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан. Ав. Реф. на соис. ученой степени док.юр.наук. –М., 1996. Ст-28-29.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Тошкент-2020 й. 15 б.
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.10.2021 й., 06/21/6320/0940-сон, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон)
7. Холмўминов Ж .Т.,Экология кодекси хориж амалиёти ва тақрибий лойиҳа.//Ҳуқуқ ва бурч, 2020 №2, -Б 24-31.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 09/19/993/4152-сон; 04.02.2021 й., 09/21/50/0081-сон .
9. Крассов О.И. Право лесопользования. – М.:Наука, 1990.- С 240., Ерофеев Б.В. Экологическое право России. –М.: 1999. –С. 456.
10. Ekologiya huquqi.–Toshkent: TDYU. 2018. –364.